

## **ҲАРБИЙ ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН СИФАТИДА**

**Махмудов Розмет Муратович,**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети  
профессори, педагогика фанлари доктори, профессор  
*maxtudovrozmet1965@mail.ru*

**Эргашев Элёр Урдушевич,**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
Университети мустақил изланувчиси

**Аннотация:** ушбу мақолада ҳарбий педагог кадрларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиши, илмий тадқиқот ишларининг олиб боришда мавзу танлаш унинг обьекти, предмети, мақсади ва вазифаларини тўғри танлаш илмий ишнинг салоҳиятини оширади дейилган. Ҳар бир ҳарбий хизматчи олий ҳарбий таълим муассасаларида фаолият олиб борар экан, албатта илмий иш билан шуғулланиши ва илмий даража ва унвонга эга бўлиши давлатимиз раҳбарининг талабларидан бири сифатида қаралган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий, педагог, кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот, малакасини ошириш, тил, дидактика, диссертатсия, илмий даражা, мавзулар ва ҳарбий соҳалар.

Ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий онгини шакллантириш - бу маънавий тушунча бўлиб, ҳарбий педагогни руҳан покланиш, қалбан ва касбий уйғонишига хизмат қиласиган, ҳарбий педагогнинг ички дунёси, иродасини бақувват қиласиган, унинг барча касбий қарашларининг мезонидир.

Албатта, педагогнинг касбий онгни шакллантириш ҳар бир ҳарбий хизматчининг умумий онгини, тўғрироғи касбий онгини маҳсули ҳисобланади ва айни вақтда унинг камолотини белгилайдиган, ҳукуқий маданиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Демак, ҳарбий педагогларнинг касбий онгини, шакллантириш бу касбий маданиятини шакллантиришгача бўлган босқич ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий онгини шакллантиришга компаниявозлик, пухта ишланмаган, ўйланмай қиласиган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий онгини шакллантиришда қарорлар, буйруқлар, фармонлар, фармоишлар муҳим рол ўйнайди, чунки ҳарбий педагогнинг касбий онгни шакллантиришда ҳарбий жамоа бошликлари, керак бўлса ҳар бир ҳарбий хизматчининг роли ўзига хос ўринга эга десак хато бўлмайди. Ҳарбий педагогнинг касбий онгининг

шаклланишига бевосита ва билвосита уларнинг касбий фаолиятга мослашишига хизмат қиласи, шунинг учун ҳарбий хизматчини касбий фаолиятига мослашуви тўғрисида А.В.Петровскийнинг қуидаги фикрларида жон бор, масалан, “Мослашув шахсни шакллантиришга ва айниқса ҳуқуқий онгини такомиллаштиришга жараён сифатида қарааш керак”<sup>1</sup> деган фикрларига қўшиламиз.

Ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий фаолиятига мослашувининг ўзига хослиги қуидаги жараёнларда кўринади, яъни таълим олиш жараёнида фавқулотдаги ҳолатларда ва энг асосийси муҳитнинг таъсирида.

Ҳарбий хизматчиларнинг касбий фаолиятга мослашувида бир қатор тарбия субъектларнинг роли ва ўрни муҳим аҳамият касб этади. Аслида мослашув бу жараён сифатида миянинг маҳсули ҳисобланади. Демак мослашув жараёнини ҳарбий хизматчи педагогларнинг педагогик фаолиятида амалга оширмай туриб уларнинг хизматидан самара қўриб бўлмайди. Бошқача айтганимизда ҳарбий хизматчи педагогларнинг эртанги педагогик фаолияти бевосита уларнинг касбга, муҳитга ва хизматга мослашуви билан боғлиқдир.

“Ҳарбий хизматчи педагогларнинг педагогик фаолиятга мослашиши учун уларнинг профессионал билимини ўзи етарли эмас, бунинг учун уни ўраб турган муҳит, уни касбий мослашувига ёрдам берадиган касбий онгига, энг асосийси ҳарбий хизматчининг этнопсихологияси ҳам боғлиқ”<sup>2</sup>. Ҳарбий соҳада хизмат олиб бораётган ҳарбий педагоглар учун муҳитни, турмуш тарзини яхшиламасдан туриб, ижтимоий ҳимояни амалга оширмасдан, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламасдан туриб кутилган натижага эришиш қийин. Албатта, ушбу талабларни амалга оширишда ҳарбий хизматчи педагоглар ҳарбий соҳа бўйича чуқур билимли, касбий хусусий маданият даражаси, касбий онгнинг шакллантириш шакл ва усулларини танлай билиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, касбий онгни шакллантиришда биринчидан, таълим жараёнига, иккинчидан, таълимнинг мазмунига, учинчидан ҳарбий хизматга ва қўмондонликнинг ҳамкорлигидаги фаолиятига, маъсулиятига боғлиқ. Бундай ҳамкорлик ҳар бир ҳарбий хизматчидан касбий фаолиятда хизмат вазифаларини тўғри белгилаб олишини талаб этади.

Касбий онгни шакллантиришда ҳарбий хизматчи педагогларда ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий тарғибот орқали ўрганиладиган билимларга бўлган қизиқишини кучайтиради, уларда ҳарбий хизматга бўлган қизиқишлиарини, кўникума ва малакаларини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада

<sup>1</sup> Петровский А.В. Умумий педагогика. М.:Просвещение. 2017. Стр. 365.

<sup>2</sup> Maxmudov R.M. Huquqiy ong - huquqiy madaniyat. Pedagogs jurnalı, № 31. 2023 yil. – 31 bet.

такомиллаштириш юзасидан амалга ошираётган туб ислохотлари ҳар бир ҳарбий хизматчининг касбий онгини ривожланишига хизмат қиласи<sup>3</sup>. Ўзини ўзи англашга касбий таъсир этади.

Ҳарбий педагогларнинг касбий онги нафақат ҳуқуқий ҳарбий билимлар таъсирида шаклланади, шунингдек, уларнинг миясининг касбий маҳсули бўлган тафаккури ҳам сиёсий, иқтисодий билимлар натижасида, таъсирида шаклланади. Ҳар бир ҳарбий педагог жамият маънавиятисиз, ахлоқий-ҳуқуқий қадриятларисиз яшай олмайди, энг асосийси касбига муҳаббат уйғонмайди.

Ҳарбий хизматчи педагогнинг касбий онгини шакллантириш энг аввало:

ижтимоий-сиёсий, маданий- ҳарбий ҳаётнинг барча соҳаларида томир отган ва отаётган эски дунёқарашларининг барчасини йўқ қилишига ҳаракат қилиш орқали амалга оширилади;

Янги Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий-сиёсий ижтимоий базасини мустаҳкамлаш орқали касбий онги шакллантиради.

Ижтимоий адолатни, қонунчиликнинг устуворлигини таъминлаш ва шу асосида фуқаролик жамиятини барпо этишнинг кенг кўламли амалий жараёнларни ташкил этиш, демократик жамиятнинг тамойилларининг барқарорлигини таъминлайди.

Ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий онгини шакллантиришни педагогик жараён сифатида қарашга мажбурмиз чунки ушбу жараённинг боши ҳарбий хизматчи педагогларга мустақил давлатнинг рамзлари, “Давлат байроби”, “Давлат мадҳияси”, “Давлат тамғаси” ни қадрлашдан бошланади. “Қадрлаш”, “Қадрият” тушунчаларининг негизида “тарбиялаш”, тарбияланиш ётибди. Улар айни вақтда маънавиятимизнинг ҳам муҳим рамзлари сифатида Янги Ўзбекистон Республикаси билан гурухланиши, унга чексиз хурмат, садоқатини ва профессионализмни тарбиялайди.

Мақолани муаллифлари амалиётчи ва олим нуқтаи назаридан касбий онгни шакллантириш ва уни ривожлантириш ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий фаолияти давридаги эмас, касбий фаолиятдан бошқа вақтда ҳам такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳарбий педагогни касбий онгини шаклланиши нафақат ҳарбий педагогиканинг ўрганиш обьекти ҳисобланади, шунингдек, барча ижтимоий ва аниқ фанларнинг ҳам ўрганиш обьекти бўлиб хизмат қиласи. Муаллиф педагогнинг касбий онгни шаклланиши фақат касбий фаолият даврида шаклланади деган фикрдан узоқ ҳисоблайди. Чунки, онг миянинг маҳсули сифатида, ижтиомоий муносабатлар таъсирида ҳам шаклланиб боради, ушбу фикрга изоҳнинг ҳожати йўқ бизнингча.

<sup>3</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 15-apreldagi, “Jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida professional kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi PQ-5077 sonli Qarori. 2021 yil.

Ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий онгини шакллантириш бу-ўзига хос тушунча бўлиб, ҳар бир ҳарбий хизматчи педагогнинг касбий маданиятига, қаерда бўлишидан қатъий назар, қабул қилинган қонунларга энг аввало ҳарбий қонунларга риоя қилишига аста-секинлик билан мослашиб бориши орқали юзага келади.

Ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий онгини шаклланиши энг аввало уларнинг ички тарбияси, аҳлоқига боғлиқ бўлиб бу муаммони ҳал қилишнинг катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳарбий хизматчи педагогларнинг касбий онгини шакллантириш ва ривожлантириш борасида Янги Ўзбекистонда тубдан янги механизм юзага келди. Ушбу механизмини юзага келтириш ва такомиллаштириш алоҳида илмий тадқиқот мавзусига айланишни вақти келди.

Ҳарбий педагоглар бутун бир бошли бўлажак офицерларни тарбиялади, касбий онгини такомиллаштиради ва жамиятимизни айниқса, ҳарбий кадрларни тарбиялашда, ўқитища олтин фонди ҳисобланишади, чунки ҳарбий педагог ҳар бир курсант учун иникос ролини ўйнайди. Педагогнинг касбий онги уни бурч-касбий онгини такомиллаштиришга хизмат қилиб боради, касбий бурч педагогнинг ички ҳиссиётларига ҳам, ташқи муҳитга ҳам қўп жиҳатдан боғлиқ. Касбий онг, касбий бурчни мазмунини тўлдиради, бойитади ва янги-янги вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳар бир педагогларнинг касбий бурчини асосини курсантларга билимни тўлиқ бериш, курсантларнинг касбий онгини (танлаган бўлажак касби учун) такомиллаштиришни ташкил этади. Педагогларда касбий бурч, касбий онг тушунчалари мавжуд экан, албатта касбнинг моҳиятидан келиб чиқиб, касбий жавобгарлик тушунчалари ҳам мавжуд. Ушбу жавобгарлик қандай шаклда намоён бўлишдан қаътий назар барибир жавобгарликга шахс тортилган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим ташкилотлари ва муассасаларининг педагог ходимларининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган<sup>4</sup>.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи (44-модда) “Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Магистратурани тамолаган шахслар ва дипломли мутахассислар ўз мутахассислиги бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”<sup>5</sup> дейилган. Ушбу моддадаги ҳар бир жумла педагогнинг касбий онгини шакллантиришга ва такомиллаштиришга бағишланганлигини кўриб, англаб турибмиз. Демак, касбий онгни шакллантириш нафақат ҳуқуқий билимларга боғлиқ, шунингдек ижтимоий муҳит давлат ва жамиятдаги барча ўзгаришлар билан бевосита ва билвосита боғлиқдир.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғ‘рисида”ги Қонуни. 2020-йил 23-сентябрь 5-боб 44-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020-йил 23-сентябрь 5-боб 44-модда.

Хулоса қилиб шуни айтамизки, педагогларнинг касбий онгини шакллантириш энг аввало қўйидаги омиллар билан боғлиқ: а) ижтимоий муҳит билан боғлиқ; б) ҳуқуқий онгига боғлиқ; в) ўзини хоҳиш истагига боғлиқ; г) мураббийига ҳам кўп жихатдан боғлиқ; д) педагогнинг сулоласига ҳам боғлиқ ва ҳоказолар ушбу рўйхатни давом эттиришимиз мумкин.

Юксак салоҳиятли педагог кадрларни тайёрлаш профессионал педагогларни тайёрлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Яхши педагог (профессионал) яхши кадрларни етиштиришга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимиning янада ривожлантириш тизими тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муасссаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга оширишгаётган кенг қамровли ислоҳотларни фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари педагогларни касбий онгини шакллантиришга, такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон нашрёти, 2021. – 458 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15-апрелдаги, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5077 сонли Қарори. 2021 йил.
3. Maxmudov R.M. Huquqiy ong - huquqiy madaniyat. Pedagogs jurnalı, № 31. 2023 yil. – 31 bet.
4. Петровский А.В. Умумий педагогика. М.:Просвещение. 2017. Стр. 365.
5. Махкамов У., Тилабов З. Касбий маҳорат. Дарслик. Т.: Фан, 2008 йил. -б 72.